



МАКОН ПРЕДИКАТЛАРИНИНГ ИНФОРМАТИВЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сулайманова Нилуфар Жаббаровна,

СамДЧТИ, доц.в.б., PhD

Калит сўзлар: лисоний, пропозиция, локал, предикат, морфосинтактик, лексик-семантик, локативлик.

Нутқий тузилмаларнинг информативлик ёки бошқача айтганда, ахборот етказиш қиймати тадқиқотчилар диққатини мунтазам равишда жалб қилиб келмоқда. Айтиш жоизки, информативлик қиймати сўзловчи ва тингловчи учун бир хил бўлмаслиги мумкин. Қуйида макон предикатларининг ахборот ташиш имкониятларининг тингловчи учун муҳим томонларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, гап анъанага биноан мураккаб хусусиятга эга бўлган лисоний ходиса сифатида қаралади, гапнинг пропозиция кўрсаткичлари предикат ва аргументлар ўртасидаги муносабатни белгилайди. Ўз вақтида С.Д.Кацнельсон қайд этганидек, пропозиция сўзловчининг “ботиний нутқ” сатҳидаги тафаккур фаолияти натижасининг асосини ташкил қилади. Сўзловчига йўналтирилган пропозиция шаклланишида кўшимча интеграцияларга мурожаат қилинади ва улар қаторида кечаётган воқеа-ходисаларнинг замон-макон кўрсаткичлари ҳам киради [2, 46].

Макон предикатлари ҳаракатнинг маконлашувига ишора қилувчи восита сифатида нутқий акт шаклланишининг турли поғоналарида фаоллашади. Гапнинг сиртки сатҳида локал предикат маконлашув мазмунига тўғридан-тўғри ишора қилувчи тўлиқ феъллар воситасида ифодаланади [2,106]. Бундай бирликлар гуруҳига биз ҳаракат ва ҳолат феълларини киритамиз.

Воқеа ва ходисаларнинг макон кўрсаткичларини ажратиш содда гап тузилишининг структур қонуниятларига боғлиқ. Макон муносабати, феъл семантикасига нисбатан, ботиний ва сиртки сатҳларда таҳлил қилиниши мумкин. Кўриб чиқилаётган лексик-

семантик гуруҳга оид феъллар ботиний сатҳда ўзига хос семантик-синтактик структураларни ҳосил қилади. Предикат маъноси гап таркибида макон аргументи бўлишини талаб қилади. Предикат ва унинг аргументлари муносабати доирасида предикатлар учта лексик-семантик гуруҳга тобе бўлади. Макон аргументи феълнинг семантикасига боғлиқ ҳолда икки турга ажралади: 1) объект вазифасини бажарувчи локатив; 2) ҳаракатдаги (динамик) ҳол вазифасидаги локатив.

Макон предикатлари маъно тузилишидаги фарқ уларнинг турли мундарижадаги синтактик бирликлар билан бирикишини тақозо этади, айти пайтда уларнинг морфологик ифодаси ҳам ҳар хил кўринишни олади. Қиёсланг:

1). We washed, put on sweaters, and came down-stairs into the dining room (E.Hemingway);

2). I went out the door and into my own room and lay on the bed (Ibid);

3). They were lifting him and all running toward the gate (Ibid);

4). I walked as far as the church (Ibid).

Макон предикатлари субъектнинг идрокидаги макон белгиларига ишора қиладиган бирликлар билан боғланади ва сўзловчига ушбу кўрсаткичларни мулоқот вазиятига боғлиқ равишда танлаш имконини қолдиради. Худди шу омил макон феълларининг турли предлогли қурилмалар қуршовида қўлланишини изоҳлайди:

1). Leeds lies in a hollow of Kent between Maid-Stone and Canterbury (V.Sackville-West);

2). Dickens lived in a house on this site between 1851-1960 (D.Piper);



3). For so long they had all lived at home and gone out to pass their time (D.Lawrence).

Нутқий ҳаракатнинг морфо-синтактик поғонасига тафаккурда ҳосил бўлган тушунча ва тасаввур воқеланади. Предикатга хос валентлик модал таркиб воситасида пропозицияни нутқий тузилма ҳолатига келтиради. Ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи предикатларнинг бирикиши феъл лексемасининг валентлик имкониятларига боғлиқ.

Гапнинг сиртқи қатламида макон бирликларининг моҳияти ўзгармайди. Макон муносабатининг объект кўринишида воқеланиши ботиний структурани намоён этади ва субъект-объект муносабатининг гапда ифодаланиши лисоний хусусиятини юзага келтиради. Гап структурасида макон предикативи билан бирикадиган элемент “конъект” атамасини олган бўлак билан боғланади [1, 368].

Конъект, анъанавий равишда талқин қилиниб келинаётган ҳол бўлагидан фарқ қилиб, макон муносабатини ҳар қандай феъл билан бирикувида ифодалаши мумкин ҳамда гап тузилиши учун муҳим бўлақдир. Конъектнинг морфологик шакли турлича, у умумий келишик шаклидаги от, равиш ва предлогли бирикма воситасида ифода топиши мумкин: to walk a mile, to go to the country, etc.

Макон предикатлари ва уларнинг аргументларининг информативлик даражаси нутқий тузилманинг яралиши ва структурасига боғлиқ. Информативликнинг шаклланиши кўпинча гапнинг актуал бўлиниши ҳодисаси билан изоҳланади. Ахборотнинг янги ёки эски бўлиши темадан ремага ўтиш жараёни доирасида талқин қилинади. Гапнинг у ёки бу элементи ахборот ифодасига қандай таъсир кўрсатишига нисбатан коммуникатив ҳаракатчанлик даражаси белгиланади. Нотаниш ёки янги ахборотни узатувчи бирликларнинг олдиндан таниш бўлган ахборотни ташувчиларга нисбатан коммуникатив ҳаракатчанлик қиймати юқори бўлади.

Гапнинг актуал бўлиниши муаммоси билан шуғулланган олимларнинг ишонтиришича, коммуникатив ҳаракатчанлик даражаси иккита ҳолат билан боғлиқ: 1). Коммуникатив динамизмни гапнинг бошидан охирига қараб кучайтириб бориш мумкин; 2). Гапнинг семантик структураси коммуникатив ҳаракатчанлик даражасига таъсир кўрсатади. Инглиз тили содда гаплари таркибида информативлик қиймати юқори элемент охириги ўринни эгаллайди. Шунга биноан, конъект гапнинг информативлик қиймати энг баланд бўлагига айланади. Масалан:

1). Gainsborough lived here after he moved from Bath in 1774 (D.Piper);

2). Cohn stood there (E.Hemingway);

3). And that's why you came here, to search my office for his address (H.Innes).

Гап таркибида макон муносабати, феълнинг маъно хусусиятларига боғлиқ ҳолда, локативнинг тўлиқ ифодаланиши билан бир қаторда, унинг қисман алоҳида қисми қўлланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Қиёсланг:

1). People were crossing the square (E.Hemingway);

2). We came all the way from New York (J.Beller);

3). I walk in a shattering wind toward the airport building (A.Sillitoe);

4). We went into the room full of people (E.Hemingway);

5). Nick walked barefoot along the path through the meadow (Ibid);

6). I walked down the hill from the cathedral and up the street to the café on the square (Ibid).

Келтирилган мисоллар инглиз тилида макон муносабатлари ифодаланишининг олтига кўриниши мавжудлигидан гувоҳлик беради. Ушбу турдаги муносабатларни жадвалда акс эттиришга ҳаракат қиламиз (бу ерда: *A*-ҳаракатнинг бошланғич нуқтасига ишора қилувчи субстанция; *B-A* элементининг ўрнини аниқловчи субстанция, яъни ҳаракатнинг тугалланиш нуқтаси; *RI*-макон муносабати; *Lo*-объект вазифасидаги локатив; *Lad*- ҳол вазифасидаги локатив).



Мисоллар	A	B	Rl	Lo	Lad
1	-	+	+	+	-
2	-	+	+	+	+
3	+	-	+	-	+
4	-	+	+	-	+
5	-	-	+	-	+
6	+	+	+	-	+

Олтинчи кўринишидаги макон муносабати коммуникатив вазиятларда энг кам миқдорда вокеланади, чунки гапнинг осонгина англашиладиган бўлагини тушуриб қолдириш имкони мавжуд. Макон предикатининг якка ҳолда қўлланиш имконияти локал муносабатлар мундарижасини ўзгартирмайди ва локатив тағмаъноли ифода қилинади. Масалан: 1). “I tell you to go to bed”, she laughed (D.H.Lawrence); 2). He frowned peerishly as he went (Ibid).

Локатив гап структурасида зоҳиран вокеланмаган тақдирда информативлик гапнинг ҳол бўлагига кўчади. Бундай информативлик бевосита предикат маъносига тобе эмас ҳамда фаол ҳаракат предикатига мақсад, сифат ва бошқа хусусиятларни бағишлайди.

Локативнинг гап таркибида қай йўсинда зоҳирланиши тингловчи қабул қиладиган ахборот кўламига таъсир ўтказиши. Макон предикатининг якка ҳолда қўлланилишида предикат ифодаланаётган мазмуннинг ремаси (янги қисми) ҳисобланади. Зеро, бундай ҳолатда янги ахборот тўлиғича макон феъли атрофида тўпланади ва ҳаракат кечишининг хусусиятини кўрсатади. Локатив эса имплицит, яширин

ифодаланади ва унинг информативлик даражаси нолга тенг.

Жадвалга яна бир қарра назар ташлайдиган бўлсак, фаол ҳаракат предикатлари воситасида шаклланадиган информативликнинг қиймати ҳар хил бўлишини кузатамиз. Қиймат назариясида қайд қилинишича, тингловчи ёки матнни ўқувчи шахс узатилаётган ахборотни қабул қилишга тайёр бўлиши керак. Иккинчи ва олтинчи мисолларда узатилаётган ахборот ортиқча кўламда, лекин бундай кўлам контекст билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ҳаракатнинг бошланғич ва тугалланиш нуқталарига ишора қилувчи субстанция эслатилмаганида (бешинчи мисол), ахборот ҳаракатнинг йўналиш нуқталари атрофида жамланади.

Таҳлил қилинган ҳолатлар макон предикатлар ва улар қуршовида бирликларнинг информативлик даражаси ҳар хил бўлишидан дарак беради. Конъект сиртки структурада ботиндаги макон аргументининг ўриндоши сифатида пайдо бўлади. У феъл кесимни маъно ҳамда грамматик жиҳатдан тўлдириш учун зарурдир. Мазкур бўлак гапнинг информативлик қиймати энг юқори бўлган қисмидир, шунинг билан биргаликда у ушбу хислатни маълум ҳолатларда йўқотиши ҳам мумкин.

Адабиётлар:

1. Гак В.Г. Высказывание и ситуация. В кн.: Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1973. – с. 165.
2. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972.
3. Крылова О.А. Коммуникативный синтаксис русского языка. – М.: URSS, 2009. – 176 с.
4. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М.: URSS, 2007.



Сулайманова Н. Информативные особенности предикатов места. Статья посвящена изучению локативности в английском языке с точки зрения предикатов места и информативному уровню их аргументов, подчеркнуты важность предикатов места для слушателя. Предикаты места становятся активными на разных этапах формирования речевого акта как средство обращения к месту движения. Локальный предикат выражается полными глаголами, которые указывают непосредственно на содержание местоположения.

Sulaymanova N. Informative peculiarities of place predicates. This article focuses on investigation of the locativity of place in the Uzbek and English languages, place predicates and the informative level of their arguments, the importance of place predicates for the listener is emphasized. Place predicates become active at different stages of the formation of a speech act as a means of accessing a place of movement. A local predicate is expressed in full verbs that point directly to the content of a location.